

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**



“ТАСДИҚЛАЙМАН”

ТДИУ Илмий ишлар ва инновациялар

бўйича проректори

Г.Абдурахманова



2021 й.

09.00.04 – “ИЖТИМОЙ ФАЛСАФА”


ихтисослиги бўйича таянч докторонтура ва докторонтурага кириш имтиҳони

ДАСТУРИ

Тошкент – 2021

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети 2021 йил “ _____ ”
даги Кенгашида муҳокама қилинган ва тасдиқланган.

Дастур Тошкент давлат иқтисодиёт университети “Ижтимоий-гуманитар
фанлар” кафедрасининг 2021 йил « 5 » Октябрь даги « 5 » - сон
йиғилишида муҳокама қилинган ва тавсия этилган

Кафедра мудирини  ф.ф.д., проф. Мухтаров А.

Тузувчилар: ф.ф.д., проф. И.Саифназаров
с.ф.д.(PhD) , доцент Д.Эрназаров

Такризчи: ф.ф.д., проф. Ш.Мадаева .

К И Р И Ш

Мазкур таянч докторантура (PhD) учун «Фалсафа» курси бўйича дастур Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 22 майдаги 304-сонли қарорига мувофиқ тасдиқланган намунавий дастури асосида тайёрланди.

“Айнан замонавий билим олган, илғор касб-хунарларни, инновацион технологияларни, хорижий тилларни пухта эгаллаган ўғил-қизларимиз мамлакатимизни янада тараққий эттиришда етакчи ўрин тутди.

Маълумки, ёшлар янги-янги фикрлашга, янги-янги ғояларни дадил ўртага ташлаб, уларни амалга оширишга, муаммоларни ижодий ва ностандарт ёндашувлар асосида ҳал этишга мойил бўлади. Шунинг учун ҳозирги кунда ёш авлод вакиллари билан олиши, илм-фан, инновациялар, адабиёт, санъат ва спорт соҳасидаги истеъдод ва салоҳиятини юзага чиқариши, уларнинг жамиятимизнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиши учун барча шароитларни яратишга устувор аҳамият бермоқдамиз¹.

Фалсафа фанининг асосий масаласи инсон ва унинг оламга, жамиятга ва инсон тафаккурига бўлган қарашларни шакллантиришдир.

Тадқиқотчилар фалсафий дунёқараш, инсон ҳаётининг мақсади, мазмуни ва моҳияти, моддий борлиқ ва ижтимоий ҳаёт ўртасидаги ўзаро қонуниятлар тўғрисида; фалсафий билимларнинг шаклланиши, таркибий тузилиши ва ривожланишининг тарихий босқичлари; ҳозирги дунёнинг илмий, фалсафий, диний манзараси; фалсафанинг асосий йўналишлари ва мактаблари; монистик ва плюралистик фалсафий концепциялар; ҳозирги дунёнинг глобаллашув жараёни, инсониятнинг экологик ва бошқа глобал муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши лозим.

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида 2017-2021 йилларга мўлжалланган “Ҳаракатлар стратегияси”нинг илмий-тарихий, мантиқий ва қонуний замини ҳамда омиллари, истиклол ўзбек халқига туҳфа тариқасида берилмагани – буларнинг барчасини ҳар тарафлама чуқур ёритиб ва исботлаб беришга қаратилган илмий изланиш, таҳлиллар бугунги кунда ҳам ўзининг долзарблиги ва аҳамиятини йўқотмаганини; Марказий Осиё мутафаккирларининг Ватан ва жаҳон маданияти, фалсафаси фанининг ривожланишидаги ҳиссаси, ўрнини; борлиқ концепциясининг мазмуни, унинг ўз-ўзини ташкил этиши, моддийлик ва маънавийлик тушунчаси, унинг моҳияти ва қонуниятларини; ижтимоий фалсафа: жамият ва унинг таркибий тузилиши, давлат, демократия, фуқаролик жамияти тушунчаларининг моҳияти; ижтимоий тараққиётнинг босқичлари ва цивилизация концепцияларини; ижтимоий муносабатлар тизимида инсон моҳияти; онг ва ўз-ўзини англаш таълимоти;

¹ Ш.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”. Янги Ўзбекистон газетасига интервью. 2021 йил, 17 август.

аксиология; ахлоқий ва маънавий кадриятларини; диалектика, синергетика, ҳаракат ва ривожланиш, макон ва замон ҳақидаги таълимотларни; табиий, гуманитар ва бошқа фанларни ўрганишда умум-фалсафий услуб ва тамойилларни; билишнинг умумфалсафий методларини бугунги кунда тадқиқотчилар билиши керак.

Фалсафанинг қонун ва категориялари, тамойилларини:

- дунёқараш ва умумметодологик фалсафий принципларни;
- танқидий тафаккурни амалий фаолиятида ва илмий тадқиқотларга қўллаш *кўникмасига эга бўлиши лозим.*

ДАСТУР МАВЗУЛАРИ

Фалсафа, унинг предмети ва жамият тараққиётидаги ўрни

Фалсафа ижтимоий фан сифатида. «Фалсафа», «файласуф» тушунчаларининг тарихи ва замонавий талқини. Фалсафа дунёқараш сифатида. Унинг дунёқарашнинг бошқа турлари билан ўзаро боғлиқлиги. Назария ва амалиёт бирлиги-фалсафий дунёқараш асоси сифатида. Фалсафий дунёқарашнинг умуминсоний ва миллий маънавий кадриятларни ўрганишдаги аҳамияти. Ўзбекистонда ҳозирги босқичда янгича фалсафий тафаккурнинг шаклланиши ва баркамол шахсни тарбиялаш вазифалари. Фалсафанинг методологик, дунёқараш, билиш вазифалари. Уларнинг дунёнинг қурилиши ва бунда одамнинг ўрни ҳақидаги тасаввурларни шакллантиришдаги, инсоннинг олам билан амалий алоқадорлиги тамойилларини ишлаб чиқаришдаги роли. Фалсафада миллийлик ва умуминсонийлик. Жаҳон фалсафаси тизимида миллий фалсафанинг ўрни. Фалсафани ўзлаштиришда миллий ғоянинг роли.

Илмий анъаналар ва уларни янгилаш жараёни

Илмий тадқиқотнинг асосий муаммолари: олам, табиат, ҳаёт, инсон, жамият, уларнинг методологик муаммолари. Илмий мактаблар ва анъаналар, илмий билимлар ривожидagi ўрни. Ислom дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади, устоз ва шогирд муаммоси, илмий мактаблар масаласи фанда авлодлар алмашуви, янгиланиш ва кадрият жараёнлари. Илмий парадигма тушунчаси. Фанда ўз номини топиш.

Фандаги янгилик, илмий кашфиётлар, аҳамияти ва хилма хиллиги. Янги тахминлар ва уларнинг илмий тараққиётдаги аҳамияти. Тадқиқотнинг янги усуллари ва фаннинг такомиллашуви. Янги методологик ғоялар ва илмий мушоҳаданинг ўзгариши.

Фан мантиғи ва илмий билим муаммоси

Тилнинг формаллашуви ва илмий ижодда тафаккур мантиқий шакллариининг қўлланилиши. Формаллаштириш тафаккур натижаларининг аниқ тушунча ёки хулосаларда акс этиши сифатида. Формаллаштириш

белгилар формализмидаги ёки формаллашган тилдаги билим мазмуни акси сифатида. Унинг илмий ижоддаги роли. Формал ва диалектик логика.

Табиий ва сунъий тил. Формаллашган тилнинг илмий тушунчаларни таҳлил қилиш, аниқлаштириш ва қўллашдаги роли. Илмий тадқиқот фаолиятда формал методлардан фойдаланиш. Фанни таърифлаш ва таснифлашда тилнинг роли. Таққослаш илмий билимни ифода этишнинг мантикий шакли сифатида. Хулосалар турли хилларининг янги билим ҳосил қилишдаги аҳамияти. Семиотика ва семантика. Тил мантикий қонунларининг ижодий изланишларда қўлланиши фан тилининг асосий хусусиятлари: аниқлик, изчиллик, исботлаш, илмий ижодда айният, нозидлик, учинчиси мустасно ва етарли асос қонунларининг қўлланилиши. Илмий тадқиқотнинг илмий билиш усуллари ортиқча формаллаштириш имкониятини истисно қилиш.

Формаллаштиришнинг ахборот ва компьютер технологияларидаги ўрни.

Фаннинг методологик таҳлили

Фаннинг фалсафий масалалари ва фаншунослик. Фалсафа дунё илмий манзарасининг назарий ва методологик асоси сифатида. Г.Гельмгольц, Т.Гексли, В.Вернадскийларнинг фан тараққиётига фалсафий, социал ва психологик омилларнинг таъсирини очишдаги роли.

Ҳозирги шароитда фалсафа, методология ва хусусий фанлар ўзаро муносабатининг умумий муаммолари. Фалсафа ва хусусий илмий билимлар алоқадорлигининг жузъий муаммолари.

Методология тушунчаси ва фаннинг методологик таҳлили. Фалсафий методология назарий ва амалий фаолиятни ташкил этиш ва тузиш усуллари ҳамда тамойиллари тизими, шу билан бирга ушбу тизим ҳақидаги таълимот сифатида.

Фалсафа, методология ва фаннинг ўзаро муносабати. Фалсафанинг илмий билимга нисбатан методологик вазифасининг ўзига хослиги муаммоси. Сциентизм ва антисциентизм.

Илмий билимни фалсафий таҳлил қилиш зарурияти. Позитивистик таълимотлар. Фалсафани муайян назарий билим шакли сифатида инкор этиш, умум фалсафий методологик қурилмаларни позитивистик хусусий-илмий мушоҳада усуллари билан алмаштиришнинг асосизлиги.

Билимлар тизимида илмий билимнинг ўрни. Ижод ва илмий тадқиқот

Билим тушунчаси: илмий, ноилмий, илмийликкача, параилмий. Билимнинг эпистемологик (билим) талқини: чинлиги, ишончлилиги, асосланганлиги, квазиилмийлик. Аксилтилмий билимларнинг таърифи ва унинг ўрни.

Илмий билим тушунчаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари: объективлик, ижтимоийлик, нормативлик. Жамият тараққиётида илмий билимнинг ўрни.

Илмий билимнинг даражалари: ҳиссий, эмпирик, назарий, метаназарий. Уларнинг предмети, объекти, методлари, сифат жиҳатдан фарқлари ва вазифалари.

Билимнинг асосий шакллари: ҳаётий, илмий, илм даражасидан ташқари билимлар, экзотерик, эзотерик. Илмий билимнинг функционаллашув концепцияси: эмпирик билим ва унинг шакллари: кузатиш, эксперимент, далил. Метаназарий билим. Интуитив (ҳақиқатни мантикий далиллар ёрдамисиз, бевосита англаб етиш қобилияти) билим даражаси. Интуитив билимнинг илмий тадқиқот фаолиятидаги роли. Интеллектуал интуиция ҳақидаги таълимот. XX аср бошида ҳар хил мактаблар: Гуссерлнинг феноменологик интуицияси, Бергсоннинг интуитивизми. Фрейднинг онг ости интуицияси. Интуициянинг илмий тадқиқот жараёнига таъсири.

Синергетика (грек. биргаликда таъсир қилиш, иштирок этиш) – илмий билиш методи сифатида. Синергетик тафаккурнинг моҳияти ва аҳамияти. Иқтисодий синергетик жараёнлар. Президент Шавкат Мирзиёевнинг дунёни тушуниш сифатида синергетик тафаккур асосида кўшни, қардош давлатлар билан бўлган муносабатда янгича ёндашуви, ҳамкорлик ва бирдамликни ривожлантириши.

Ижод – янги қадриятларни яратиш омили, илмий ижоднинг эвристик характери. Шарк ва Ғарб мутафаккирларининг ижодга оид карашлари. Билиш фаолиятида ижод ва меҳнат уйғунлиги. Ижоднинг амал қилиш ва ўзига хос хусусиятлари. Ижод шакллари ва методларининг турли-туманлиги. Ижодий тафаккур босқичлари: тайёргарлик, инкубация, ойдинлашув, тасдиқлаш. Янги билимларнинг эски билимлар билан боғлиқлиги. Ижодга зид хусусиятлар: догматизм, ноҳолислик, дунёқараш торлиги. Ижод – янгилик яратиш бўйича конструктив фаолият. Ижоднинг асосий шакллари: бадий, илмий, техник. Ижод янги қадриятларни яратиш омили. Ижодкорнинг илҳом манбаи. Даҳоликнинг ўзига хос хусусиятлари. Ижоднинг дуал характери. Эркинлик ижоднинг асосий хоссаси. Илмий тадқиқот олдига қўйилган талаблар. Илмий ижодий фаолиятда олимнинг шахсий фазилатлари.

Фан – ижтимоий маданий ҳодиса

Фан тушунчаси. Фаннинг билим, фаолият, ижтимоий ҳодиса сифатида намоён бўлиши. Фаннинг тарихи ва моҳиятига оид ёндашувлар: презентизм ва антикваризм, экстернализм ва интернализм, сциентизм ва антисциентизм каби ёндашувлар таҳлили. Фан тараққиётининг асосий босқичлари. Фан – ижтимоий-маданий ҳодиса сифатида, билим, фаолият ва ижтимоий институт. Фан тарихий тараққиётининг асосий моделлари.

Фаннинг асосий функциялари: илмий билим яратиш, ижтимоий куч, лойиҳа-конструкциялаш, маданий-технологик, ижтимоий тартибга солиш, бунёдкор куч, сиёсат воситаси, ҳақиқий билимни яратиш функцияси каби функцияларининг ўзига хос хусусиятлари. Фаннинг жамият ҳаёти билан уйғунлиги, бошқа соҳалар унга таъсир қилгани каби у ҳам бошқа соҳаларга

таъсир қилиши. Мафқуранинг фанга муносабати ва унинг моделлари: қоралаш, бефарқлик, раҳнамолик ва эксплуатация қилиш. Фанни белгиловчи ижтимоий-психологик омиллар. Фаннинг дифференцияси ва интеграцияси. Янги Ўзбекистонда фанга муносабатнинг ижобий ўзгариши.

Илмийлик мезонлари, унинг тарихийлиги ҳамда таснифи: эстетик, уюшқоқлик, эвристик, когерентлик, прагматиклик, прогрессизм, ишончлилик, танқидийлик, моддий-амалий фаолият, полифундаменталлик, мантикийлик ва информативлик каби илмийлик мезонларининг ўзига хослиги.

Билиш меъёрлари ва идеаллари, дунёнинг илмий манзараси. Илмий билимга нисбатан аналитик ва синтетик ёндашув. Фандаги изчиллик, ишончлилик, асослилик, исботлилик. Ижтимоий, техникавий, табиий, фундаментал, амалий, назарий ва экспериментал фанларнинг ўзаро алоқаси ва фарқи. Сабабият ва қонунийлик.

Фалсафий билимлар тизими ва унинг асосий йўналишлари

Фалсафий билимлар тизими: бирлик ва яхлитлик. Фалсафий билимларнинг асосий йўналишлари ва назарий илдизлари. Фалсафий ғоялар, назариялар, уларнинг шаклланиши ва аҳамияти. Фалсафанинг тарихий тақдири ва ижтимоий тараққиёт босқичларини билиш муаммолари.

Фалсафанинг ижтимоий-гуманитар фанлар тизимидаги ўрни ва роли. Фалсафанинг бошқа фанларга таъсири, унинг дунёқарашлик ва методологик вазибалари. Фан ютуқларининг фалсафа тизимига киритилиб борилиши. Ёшларда китобхонлик маданиятини юксалтириш.

Мустақиллик ва фалсафий дунёқарашни янгилаштиришнинг методологик масалалари

Ижтимоий тараққиёт ва фалсафий фикр, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Кишилик жамияти тарихий тараққиёти жараёнида фалсафий дунёқарашнинг ўзгариши диалектикаси, унинг ривожланишнинг тарихий ва ижтимоий шакллари билан боғлиқлиги. Фалсафий фикрнинг ижтимоий жараёнлардан илгарилаб кетиш ёки орқада қолиш муаммолари. Мустақиллик ва фалсафий тафаккурнинг ўзгариши зарурияти. Мустақиллик янги фалсафий тафаккур шаклланишининг асоси ва шарт сифатида. Мафқуравий бўшлиқ ва уни янги мафқура билан тўлдириш зарурияти. Фалсафанинг мустақилликни мустаҳкамлашда ва миллий истиқлол ғоясини шакллантиришдаги роли.

Фалсафий дунёқарашнинг тарбия жараёнини такомиллаштиришдаги аҳамияти. Жаҳон фалсафасининг асосий йўналишларини ўрганиш зарурияти. Фалсафий дунёқарашнинг ўзгариб туриши ва ёшларни ҳозирги замон руҳида тарбиялашнинг зарурлиги.

Қадимги даврда фалсафий таълимотлар ва уларни ўрганиш методологияси

Жаҳон цивилизациясининг хилма-хиллиги ва яхлитлиги. Европоцентризм ва Осиёцентризм: аҳамияти, ғоявий илдизлари ва мафкуравий мақсадлар фалсафанинг даврий ва ҳудудий бўлишининг нисбийлиги. Энг қадимги содда фалсафий қарашлар. Қадимги Марказий Осиёдаги фалсафий фикр. Қадимги Хоразм, Сўғдиёна, Афросиёб Шош маданияти. «Авесто» ва зардуштийлик ғоялари. Александр Македонский империяси. Марказий Осиёда Буддизмнинг тарқалиши ва ривож. Моний ва Маздак ғоялари.

Шарқ - жаҳон цивилизацияси марказларидан бири. Қадимги Шарқ фалсафаси. Иудаизм фалсафаси. Қадимги Ҳиндистонда диний-фалсафий таълимотлар пайдо бўлиши ва ривож: чорвака, жайнизм, буддизм, индуизм, қадимги Хитой фалсафаси асосий йўналишлари: конфуцийлик ва даосизм. Ўрта Осиёда фалсафий фикрнинг шаклланиши. Қадимги грек фалсафаси шаклланиши ва ривожланиши, унинг космоцентрик характери. Аниқ фикр асосий тушунчалари: космос, табиат, логос, эйдос, рух.

Сократгача бўлган фалсафа. Биринчи файласуфлар. Милет мактаби ва бирламчи бошланғич муаммоси. Пифагор ва илк пифагорчилик. Гераклит: карама-қаршиликлар ва яралиш ҳақидаги таълимот. Демокрит, унинг атомистик таълимоти. Атом ва бўшлиқ муаммоси. Детерминизм масаласи. Қадимги Грециядаги «мумтоз фалсафа». Сократ: ҳаёти ва фалсафаси, унинг ахлоқ фалсафаси. Эзгулик ва билим. Платон «Ғоялар дунёси» ва «нарсалар дунёси» ҳақида таълимот. Билиш - «эслаш»дир. Платон рух ва унинг барҳаётлиги ҳақида. Платоннинг давлат ҳақидаги таълимоти. Аристотель. Материя ва шакл ҳақида. Ҳақиқий ва имкондаги борлик ҳақидаги таълимот. Аристотел «сабаблар» турлари ҳақида. Аристотел ижтимоий фалсафаси.

Марказий Осиёда илк ўрта асрлар ва темурийлар даври фалсафий қарашлари (VIII-XV аср)

Илк ўрта асрлар фалсафасининг аҳамияти ва хусусиятлари. Марказий Осиёнинг араблар томонидан эгалланиши. Ўрта Осиёда исломнинг тарқалиши. Диний бағрикенглик ва дунёвий илмларнинг яратилиши. Имом Ал-Бухорий ва Имом Ат-Термизий, «Ал Жоме ас-Саҳих». Абу Мансур Мотуридий, Бурхонуддин ал-Марғиноний қарашлари. «Ал Ҳидоя». Шарқ Ренессанси. Ал Хоразмий, Ал Фарғоний, Ал Фаробий, Ал Беруний, ибн Сино, табиий илмий ва фалсафий қарашлар.

Сўфийликнинг диний-фалсафий таълимоти - тасаввуф ва унинг моҳияти. Ўрта Осиё халқлари маънавий ҳаётидаги тарихий аҳамияти ва роли. Амир Темур ва уйғониш даври. Амир Темурнинг тарихда тутган ўрни. Унинг Ўрта Осиё халқлари давлатчилиги, иктисодий, маънавий маданий ҳаёти ривожига роли. Улуғбек - математик ва астроном олим. Улуғбекнинг Ўрта Осиё фани ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси, унинг фалсафий қарашлари.

Алишер Навоий - улуғ шоир, мутафаккир, файласуф, Навоий гуманизми, унинг инсон камолоти фалсафий концепцияси. Захириддин Муҳаммад Бобур -

атоқли маърифатпарвар ва давлат арбоби, «Бобурнома» - XV аср комуси, унинг тарихий ва фалсафий ахамияти.

Европа ўрта асрлар ва Янги давр фалсафаси

Европа фалсафаси. Европада ўрта асрлар фалсафаси (V-XIV аср), унинг теоцентрик характери. Авлиё Августин таълимотида худо ғояси. Фома Аквинский фалсафасида табиат ва инсон Тангри яратган ҳилқатлар сифатида.

Уйғониш даври фалсафасининг антропоцентрик характери ва олиймақом гуманизми. Н.Кузанский ва Ж.Бруно диалектикаси ва натур фалсафий қарашлари. Н.Коперник таълимотида дунёни янғича тушуниш. Янги давр (17-18 аср) фалсафаси: жаҳон фалсафаси тараққиётида янги босқич. Янги фалсафанинг табиатшуносликдаги революция (И.Ньютон) билан боғлиқлиги.

XVIII аср Француз материализми янги давр фалсафий фикри тараққиётида олий босқич: Ламетри, Голбах, Гелвещий, Дидро.

XVII аср маърифатпарварлик фалсафасининг асосий хусусиятлари: В.Волтер, Ж.Ж.Руссо.

Немис классик фалсафаси, унинг 18-19 асрлар Европа фалсафаси тараққиётидаги ўрни ва роли. И.Кант, И.Фихте, Ф.Шеллинг, Г.Гегел, Л.Фейербах.

XVI-XX асрларда Ўзбекистондаги ижтимоий фалсафий қарашлар

XVI-XX аср бошларида Ўзбекистондаги ижтимоий-фалсафий қарашлар ва маърифатпарварлик ғоялари. Даврнинг хусусияти. Ижтимоий-иқтисодий ва маданий муҳит.

Мирзо Бедил ва унинг ижтимоий-фалсафий қарашлари. Бедил дунё, борлиқ ва инсон бирлиги тўғрисида. Бобораҳим Машраб дунёқараши. Машраб ижтимоий тузум ва унинг янғиланиб бориши зарурлиги ҳақида.

Оғаҳий - давр салномачиси, фалсафий гуманизм ва эстетик қарашлар.

Аҳмад Дониш ва унинг ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашлари. Дониш - давлат арбоби ва ислохотчи. Мустамлака даврида Ўзбекистондаги маърифатпарварлик ва миллий озодлик ғоялари, даврнинг хусусиятлари. Муқимий, Фурқат, Завқий, Аваз Ўтар, Хамзаларнинг маърифатпарварлик ва хурлик ғоялари.

Ўзбекистонда жадидчилик ҳаракати, унинг фалсафий ва ғоявий-сиёсий тамойиллари. Совет даври ва жадидчиликнинг фожиавий қисмати. Совет даври тоталитаризм замонаси фалсафаси, хулосалар ва сабоқлар. Иброҳим Мўминов фалсафий мактаби. Мустақиллик даври фалсафаси: муаммолар ва ечимлар.

Ҳозирги замон фалсафаси

Постклассик фалсафа ва XX аср фалсафаси. XX аср фалсафасида янгича фалсафий тафаккур ва дунёнинг янгича манзарасининг яратилиши.

XX аср фалсафасида ақл ва фанга муносабат. Сциентизм ва антисциентизм.

Постиндустриал ва информацион жамият ғояларининг фалсафий асослантрилиши. Технократик ва антитехнократик қарашлар: фалсафий мушоҳада.

Инсон дунё тизимида ва инсон дунёси. Инсон муаммосининг янгича талқини. Одам ва олам борлиғи. Эксистенциал фалсафада инсоннинг моҳияти, ҳаёт ва ўлим муаммолари (К.Кьеркегор, Ясперс, Бердяев, Сартр).

XX аср диний фалсафаси. Неотомизм ғарб диний фалсафаси намунаси. Ҳозирги ислом таълимотининг диний-фалсафий йўналишлари, унинг ўзига хос хусусиятлари ва тамойиллари.

Онтология ва унинг илмий-методологик муаммолари: дунё, борлиқ, материя

Онтология тушунчаси. Борлиқнинг умумонтологик талқинлари.

Антик даврда онтология асосларининг шаклланиши. Парменид ва унинг мантиқий маконни кашф этиши. Платон ва Аристотелнинг онтологик концепциялари. Неоплатонизм онтологияси. Ўрта асрларда ва янги даврда онтологиянинг ривожланиши. Гегель диалектик онтологияси.

Борлиқ тушунчаси. Борлиқнинг турлари масаласи. Борлиққа мавжудлик сифатида ёндашиш. “Постмодерн” борлиғи.

Борлиқнинг асосий шакллари тўғрисидаги масала. Табиат объектларининг тузилиши. Ҳаёт нима? Биосфера. “Инсон борлиғи”. “Ижтимоий борлиқ” муаммоси.

Ноосфера – борлиқ шакли. “Ноосфера” атамаси. “Ноосфера” тушунчаси. Ноосфера ғояси.

Онтологияда оламнинг бирлиги масаласи. Оламнинг бир бутунлиги. Оламнинг бирлиги асослари.

Фалсафада “субстанция” категорияси. “Субстанция” тушунчаси. моддий ва маънавий субстанция тушунчаси. “Субстракт” тушунчаси.

Борлиқнинг яшаш шакллари

Моддий олам ва материя ҳақида фалсафий қарашлар. “Материя” тушунчаси ва унинг тарихий талқинлари. Материянинг замонавий талқинлари. Материянинг тизимли тузилиши.

“Ҳаракат” тушунчаси. Ўз-ўзидан ҳаракат ғояси. Нисбий тинчлик ғояси. Ҳаракатнинг йўқолмаслиги ва абсолютлиги.

Ҳаракатнинг асосий шакллари. “Ҳаракат шакли” тушунчаси. Ҳаракат шакллариининг ўзаро алоқадорлиги. Ҳаракатнинг геологик шакли.

Макон ва замон – борлиқнинг асосий шакллари. “Макон ва замон” тушунчалари. Маконнинг ўлчамлари. Макон ва замоннинг бепаёнлиги. Замон ўлчови. Макон ва замоннинг объектив мавжудлиги. Макон ва замоннинг боғлиқлиги. Макон ва замоннинг метро-топологик хоссалари. “Вақт” тушунчаси.

Табиат ва ҳаёт

Табиат, ҳаёт (тириклик). Ҳозирги фалсафий таълимотларда табиат муаммоси. Табиат тушунчаси. Жонли ва жонсиз табиат, уларнинг сифат жиҳатидан фарқи ва боғлиқлиги. Ҳаёт муаммоси, ноёблик ва хилма-хиллик. Табиатни билишда фалсафанинг ўрни. Табиат ва жамият, уларнинг ўзаро алоқаси. Табиат ва сунъий дунё, «бирламчи» ва «иккиламчи» табиат. Тарихий тараққиёт давомида инсоннинг табиатга нисбатан муносабатининг ўзгариб бориши. Биосфера, экосфера, эргосфера, ноосфера. Техносфера ва биосфера. Экология муаммосининг вужудга келиши ва долзарблиги. Экологик таҳдид ва экология муаммосининг умумбашарийлиги. Экологик онг ва экологик маданиятни шакллантириш зарурияти.

Онг

Фалсафада онг муаммоси. Онг категорияси инсон маънавий фаолияти барча шакллари таҳлил қилишда таянч тушунча сифатида. Онг воқеликни акс этдириш ва инсон фаолиятини йўналтириш шакли сифатида. Идеаллик табиати. Инъикос тушунчаси. Инъикос шакллариининг ривожини онгнинг генетик манбаи сифатида. Психик инъикоснинг моҳияти. Онгнинг пайдо бўлиши, унинг ижтимоий табиати ва тарихий моҳияти. Онг ва тил.

Онг ва тафаккур. Инсон фаолиятида онглилик ва онгсизликнинг ўзаро муносабати. Онг ости ҳолатининг табиати. Онг ва ўз-ўзини англаш. Онг ва кибернетика. Миллий ғоя, унинг ижтимоий тараққиётдаги роли ва аҳамияти.

Ҳаракатлар стратегиясида иқтисодий ривожланиш концепцияси.

Билим муаммоси. Эпистемология. Ҳақиқат

Билиш фалсафий таҳлил предмети сифатида (гносеология). Билиш объектив реалликнинг инъикоси, дунёга бўлган тарихан ривожланиб боровчи муносабат сифатида. Шарқ мутафаккирлари қарашларида билиш масалалари. Билишнинг объекти ва субъекти. Уларнинг ўзаро муносабати. Билиш босқичлари: ҳиссий ва аклий билиш. Сенсуализм, эмпиризм ва рационализм. Ҳиссий билиш шакллари. Аклий билиш воқеликни акс этдиришнинг сифат жиҳатидан янги юқори босқичи сифатида. Аклий билишнинг асосий шакллари. Ижод ва интуиция. Билишда «ҳиссийлик» ва «аклийлик»нинг бирлиги. Билишнинг ижтимоий-тарихий табиати, унинг амалиёт билан алоқаси.

Ҳақиқат муаммоси, унинг объективлиги. Абсолют ва нисбий ҳақиқат диалектикаси. Релятивизм. Ҳақиқат ва янглишиш. Практика (амалиёт) ҳақиқатнинг асосий ва умумий мезони. Ҳақиқатнинг конкретлиги. Илмий билиш методологияси. Эмпирик тадқиқот методлари: кузатиш, анализ ва синтез, тажриба, индукция, аналогия, таснифлаш. Назарий тадқиқот методлари: дедукция, аксиоматика, формаллаштириш. Илмий назарияни қуриш методлари: абстрактликдан конкретликка ўтиб бориш, тарихийлик ва мантикийлик, тизимий таҳлил. Фанда ахлоқий тамойиллар ва қадриятлар.

Метод ва методология

Инсоннинг амалий, билиш ва қадрият нуқтаи назаридан дунёга муносабати. Фалсафий муаммоларнинг табиати ва хусусияти. Онтология, гносеология, аксиология, логика фалсафанинг асосий қисмлари сифатида.

Фалсафа: назария ва метод. Фалсафий мушоҳаданинг тарихий шакллари. Материализм ва идеализм. Рационализм ва иррационализм. Мушоҳада ва тажриба. Фалсафа методология сифатида, фалсафанинг методологик тамойиллари: рационализм, эмпиризм, критицизм.

Диалектик метод ва унинг муқобиллари. Диалектиканинг тарихий шакллари.

Детерминизм. Диалектика категориялари. Сабаб ва оқибат. Зарурият, тасодиф, эҳтимоллик. Қонун тушунчаси, қонун заруриятнинг ифодаси сифатида. Детерминизм ва эркинлик муаммоси. Фалсафада герменевтик метод.

Фалсафий қонунлар ва категориялар

Диалектиканинг асосий қонунлари

Ривожланиш жараёнида такрор тамойили, қонун ва қонуният тушунчалари, уларнинг объективлиги. Фалсафий қонунлар, уларнинг ўзаро боғлиқлиги. Диалектика объектив реалликнинг бўлиши, ривожланиши ва умумий боғлиқлиги ифодаси сифатида, унинг зиддиятли характери. Бирлик, фарқ, қарама-қаршилик, зиддият тушунчалари. Жамият тараққиётининг мустақил ва кетма-кетлик характери. Қарама-қаршиликлар кураши ва бирлиги қонуни.

Олам, дунё миқдор ва сифат ифодаси сифатида. Миқдор ва сифатнинг ўзаро ўтиши қонуни тушунчаси. Меёр, меёрнинг сақланиш қонуни. Меёрнинг бузилиши янги сифатга ўтиш шартидир. Сифат тараққиётдаги туб ўзгариш ифодаси сифатида, унинг Ўзбекистонда намоён бўлиш хусусиятлари.

Инкорки инкор қонуни, инкорки инкор диалектикаси. Ирсийлик ва давомлилик эскининг инкор этилиши ва янгининг барпо бўлиши сифатида. Инкорда емирилиш ва яралиш диалектикаси. Янгида эскининг элементлари сақланиши ва йўқолиши муаммоси. Мустақилликни мустаҳкамлаш ва янги жамиятни барпо қилишда инкорки инкорнинг намоён бўлиш хусусиятлари. Миллий ғоянинг шаклланиши ва ёшлар тарбиясида диалектик инкорнинг роли.

Асосий фалсафий категориялар

Фалсафий категориялар реал борлиқнинг энг умумий муҳим қонуний алоқадорлик ва муносабатларини акс этдирувчи кенг тушунчалар сифатида.

Бутун ва қисм, структура ва элемент оламнинг пайдо бўлиши ифода шакллари сифатида. Умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик категориялари.

Моҳият ва ҳодиса категориялари. Уларнинг табиат ва жамиятда намоён бўлиши. Мазмун ва шакл категорияларининг объектив реалликда намоён бўлиш хусусиятлари.

Мустақил Ўзбекистонда ислохотларнинг амалга оширилиш жараёнида мазмун ва шакл бирлиги.

Сабаб ва оқибат категориялари, уларнинг ижтимоий ҳаётда намоён бўлиши. Зарурият ва тасодиф категориялари, уларнинг ўзаро алоқаси.

Имконият ва воқелик категориялари, моҳияти ва аҳамияти.

Ижтимоий билиш

Ижтимоий билиш.

“Ижтимоий билиш”, “Гуманитар билиш”, “Ижтимоий-гуманитар билиш” тушунчалари. Гуманитаризм. Ижтимоий билиш методологияси ва тарих фалсафаси. Ижтимоий билиш методлари. Ижтимоий билиш предмети. Ижтимоий-гуманитар билим йўналиши. Ижтимоий билишда тушуниш. Ижтимоий билишда объект ва субъект диалектикаси. Ижтимоий билиш ва гуманитар фанларда семиотика муаммолари. Ижтимоий билишда диалог. Ижтимоий билишда фалсафа ва унинг методлари. Ижтимоий билишда эмпирик ва назарий компонентлар.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланишда инсон омили, эркинлиги ва манфаатларнинг устуворлиги

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш мақсади, стратегиясида ўзгаришлар ва уларнинг моҳияти. Ижтимоий-иқтисодий ҳаётда инсон эркинлиги ва манфаатлари устуворлиги. “Ислохотлар ислохот учун эмас, инсон учун” ғоясининг мақсади. Жамият тараққиёти омилларига янги қараш, унинг назарий-илмий асослари.

Президент Ш. Мирзиёев фаолиятида ижтимоий-иқтисодий ривожланиш омилларига янги концептуал қарашларнинг асосланиши.

Ўзбекистоннинг жаҳон ижтимоий-иқтисодий ҳамжамиятига интеграциялашуви ва унинг истиқболлари

Интеграция тушунчасининг мантиқий мазмуни. Интеграция жараёнини ҳаракатлантирувчи мотивлар (эҳтиёжлар, манфаатлар) ва механизмлар (иқтисодий, сиёсий, мафкуравий). Интеграциялашув жараёнида объект ва субъект муносабатлари. Интеграция жараёнининг тарихий-ретроспектив

генезиси, ривожланиш босқичлари ва моддий-техник асослари. Интеграция жараёнида адаптацион муҳитнинг аҳамияти.

Ижтимоий-иқтисодий барқарорлик ва тинчликни таъминлашнинг ғоявий-мафкуравий концептуал асослари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёевнинг БМТ Бош ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқининг моҳияти. Ислом Каримовнинг миллий манфаатларга асосланган ташқи ва ички сиёсатида мамлакат мустақиллигини асраш ва хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг моҳияти. Мамлакатимизда давлат тизими ҳамда миллий хавфсизлик соҳасини ислоҳ қилишнинг назарий-методологик асослари. Ўзбекистонда демократик янгиликни ва иқтисодий-технологик модернизациялаштириш – ижтимоий-сиёсий барқарорлик ва хавфсизлик сиёсатида янги давр.

Глобал ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ва миллий ғояга эҳтиёж истикболлари

Ҳозирги давр глобал муаммоларни туркумлаштириш, унинг асосий йўналишларини миллий ғоя контекстида таҳлил қилиш зарурияти ҳамда аҳоли, айниқса ёшлар онгига сингдириш масалалари. Глобал инқирозлар моҳиятини, унинг инсониятга, миллатга, халқларга ва мамлакатларга таҳдидини англаб етишда миллий ғоянинг ўрни.

Янги Ўзбекистон Стратегияси

Президент Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистон Стратегияси» номли китобининг мазмун моҳияти. Янги Ўзбекистон тушунчасининг инсонлар онгидаги инъикоси. Учинчи Ренессансни қуриш бўйича қилинаётган ишлар ва миллий тараққиёт истикболлари, Янги Ўзбекистоннинг ғоявий-маънавий асоси. «Янги Ўзбекистон стратегияси», «Халқпарвар давлат», «Миллий иқтисодий ривожлантириш», «Адолатли ижтимоий сиёсат», «Маънавий тараққиёт», «Хавфсизлик ва ташқи сиёсат», «Ўзбекистон ва умумбашарий муаммолар».

Ўзбекистоннинг тинчликпарвар сиёсати

Афғонистон бўйича “Тинчлик жараёни, хавфсизлик соҳасида ҳамкорлик ва минтақавий шериклик” мавзусидаги Тошкент конференцияси декларациясининг моҳияти (2018 йил 26-27 март), Ўзбекистоннинг минтақадаги манфаатлари, Ўзбекистоннинг Афғонистон бўйича тутган позицияси. “Толибон” ҳаракати ва унинг сиёсий, иқтисодий мақсадлари, Афғонистон ва Марказий Осиё давлатларининг муносабатлари.

Ўзбекистонда Президентлик сайловлари

Сайловлар кишилиқ жамиятининг бир неча асрлик тарихий ривожланиш маҳсули, сайловлар сиёсий тизимнинг муҳим таркибий қисми, Мустақиллик

йилларида мамлакатда демократик сайловлар ўтказилиши, Марказий сайлов комиссияси ва унинг функциялари, Ўзбекистон Экология партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, Тadbиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси ҳамда Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияларидан кўрсатилган номзодларнинг сайловолди дастурлари, фарқи ва ўхшашлик жиҳатлари. Президентлик, парламент ва маҳаллий вакиллик органлари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишни тартибга солувчи қонунлари.

ТАВСИЯ ЭТИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Асосий адабиётлар:

1. Шермухамедова Н. Фалсафа. Дарслик. Т.: “Idris Abdurauf Nashr” , 2021. 664 .
2. Falsafa. O‘quv qollanma.// Sh.Madaeva va boshqalar/ – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2019.-608 б.
- 3.Шермухамедова Н.А. Илмий тадқиқот методологияси.- Т.: Ахборот технологиялари. 2014, 450 б
- 4.Саифназаров И. Мухторов А. Бобоев А. Илмий тадқиқот методологияси. Ўқув-услубий қўлланма.-Т.:”Иқтисодиёт”, 2014.-136 б.
- 5.Саифназаров И., Никитченко Г.В.,Қосимов Б.У. Илмий ижод методологияси.Ўқув қўлланма.-Т.:”Янги аср авлоди”, 2004.-200 б.
- 6.Саифназаров И., Қосимов Б.У., Мухторов А., Никитченко Г.В. Фаннинг фалсафий масалалари.-Т.:”Fan va texnologiya”, 2004.-240 б.
7. Саифназаров И. Устозим – ҳаётим чироғи. ТДИУ, 2017. 32б.
- 8.Иқтисодчи олимлар. (Тузувчилар: Х.Абулқосимов, Т.Жўраев).Т.:2016.-336 б
- 9.Саифназаров И. Менинг ҳаёт фалсафам. Ўқув-услубий қўлланма. ТДИУ, 2018.-126 б.
- 10.Саифназаров И. Маҳалламнинг олим ва зиёли кишилари. Ўқув-услубий тавсиялар. ТДИУ, 2019.-18 б.
- 11.Новиков А. Методология научного исследования. - М.: 2012
12. Завьялова М.П. Методы научного исследования: учебное пособие. – Томск: Изд-во ТПУ, 2007. – 160 с.
- 13.Саифназаров И., Касымов Б., Мухтаров А. Основы философии. -Т.: Мехнат, 2004.
- 14.Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси қомуси.1,2 китоб. Т.: “Маънавият нашриёти».2019 -920 б..
- 15.Афлотун. Қонунлар. –Т.: Янги аср авлоди, 2008. -452 б.
- 16.Жакбаров М. Комил инсон ғояси - тарихий фалсафий таҳлил. Т., “Ибн Сино”, 2000.
- 17.Назаров Қ. Фалсафа асослари. Т.: “Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти”.2018 йил, 793 б.
- 18.Маънавият (асосий тушунчалар изоҳли лугати). Т.: “Ғафур Ғулом”. 2013 йил, 448 б.
- 19.Йўлдошев С. Жаҳон фалсафаси. Т.: 2004 йил.
- 20.Мамашокиров С., Усманов Э. Барқарор тараққиётнинг экологик хавфсизлик масалалари. Т.: Фан, 2009 йил.
21. Форобий. Фозил одамлар шахри. -Т., 1990.
22. Скирбекк Г., Гилье Н. Фалсафа тарихи. –Т.: Шарқ, 2002.
23. Шахс ва жамият. Қўлланма. -Т.: Ўқитувчи, 2005.

1. И. Саифназаров, Ф. Саифназарова. Мафкуравий хуружлар нима? Рисола. Т.: “Маънавият”, 2015. 32 б.
2. И. Саифназаров, Ф. Саифназарова. Ёшлар ва оила ватан таянчи. Т.: Таълим”, 2018.-138 б.
3. А. Мухтаров. Миллий ғоя ва миллий манфаат, Т.: “Фан технологияси”, 2014, 229 б.
4. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш санъати. –Т.: «Ношир», 2008. -256 б.
5. Ницше. Зардўшт таваллоси. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. -348 б.
6. Тохир Карим. Миллий тафаккур тараққиётидан: Фалсафий мақолалар. -Т.: Чўлпон, 2003.
7. «Ҳақиқат манзаралари» 96 мумтоз файласуф. -Т.: Янги аср авлоди, 2012.

Қўшимча адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2015.
2. «Таълим тўғрисида»ги қонун ва Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. 1997 йил 29 август.
3. «Электрон ҳукумат тўғрисида»_Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2015 йил 12 декабрь).
4. «Парламент назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2016 йил 13 апрель).
5. «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг қонуни (2016 йил 15 сентябрь). www.lex.uz.
8. 6. Мирзиёев Ш. М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2016. - 53 б.
9. Мирзиёев Ш. М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қонидаси бўлиши керак. - Т.: Ўзбекистон, 2017. – 104 б.
10. Мирзиёев Ш. М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 28 б.
11. Мирзиёев Ш. М. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курамиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 484 б.
12. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси аъзоларига Мурожаатномаси. 22.12.17 й. Prezident.uz
13. Мирзиёев Ш. «Янги Ўзбекистон Стратегияси». Т.: “Ўзбекистон”. 2021.. 457 б.
14. Ш.Мирзиёев. “Янги Ўзбекистон демократик ўзгаришлар, кенг имкониятлар ва амалий ишлар мамлакатига айланмоқда”. Янги Ўзбекистон газетасига интервью. 2021 йил, 17 август.

15. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли Фармониغا 1-илова // <http://www.lex.uz>
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги ПФ “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони//Халқ сўзи, 2018 й 23 январь, № 14 (6972)
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги ПФ “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони//Халқ сўзи, 2018 й 26 январь, № 16 (6974)
18. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. -Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2018.-592
19. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясидаги нутқи. 19.09.2017. Нью-Йорк шаҳри // www.uza.uz.
20. “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони. // 03.02.2017. www.lex.uz.
21. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев томонидан илгари сурилган “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича ҳаракатлар стратегияси”. 18.01.2017. www.lex.uz.
22. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори. 17.02.2017. www.lex.uz.
23. “Олий таълим муассасаларига кириш учун номзодларни мақсадли тайёрлаш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 27.09.17. www.lex.uz.
24. “Педагог кадрларни тайёрлаш, халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 26.09.17. www.lex.uz.
25. “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори. 13.09.17. www.lex.uz.

26. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гарови // Ўзбекистон Республикасининг сайланган Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганнинг 24 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузаси. // 07.12.2016. www.uza.uz.
27. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз // Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқи. // 14.12.2016. www.uza.uz.
28. Ш. Мирзиёев, “Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз”. Т.: “Ўзбекистон”, 2017 йил, 488 б.
29. Илм-фан ютуқлари – тараққиётнинг муҳим омили”. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев янги йил арафасида – 2016 йил 30 декабрь куни мамлакатимизнинг етакчи илм-фан намояндалари билан учрашувидаги маърузаси // Халқ сўзи. 2016 йил 31 декабрь.
30. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 сентябрдаги Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.uza.uz. 02.10.2017.
31. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 ноябрдаги “Илмий тадқиқот муассасаларининг инфратузилмасини янада мустаҳкамлаш ва инновацион фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори // Халқ сўзи. 2017 йил 2 ноябрь.
32. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 декабрдаги Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг ҳақиқий аъзолари ҳамда собиқ Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги фанлари академиясининг ҳақиқий аъзолари ва мухбир аъзолари фаолиятини янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.uza.uz. 29.12.2017.
33. “Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2017 йил 8 сентябрь.
34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 22 январдаги “2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол тадбиркорлик, инновацион ғоялар ва технологияларни қўллаб-қувватлаш йили”да амалга оширишга оид Давлат дастури тўғрисида”ги Фармони. www.uza.uz. 23.01.2018.
35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 25 январдаги “Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан

- такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони. www.uza.uz. 25.01.2018.
36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 05.06.2018.
37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 майдаги “Иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларига инновацияларни жорий этиш механизмларини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 07.05.2018.
38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Буюк алломалар, адиб ва мутафаккирларимиз ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш мақсадида ёшлар ўртасида китобхонлик танловларини ташкил этиш тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 14.05.2018.
39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 июлдаги “Илмий ва илмий – техникавий фаолият натижаларини тижоратлаштириш самарадорлигининг ошириш бўйича қўшимча чора – тадбирлар тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 16.07.2018.
40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида атом энергетикасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 19.07.2018.
41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июлдаги “Фан ва олий таълим соҳаси ходимларининг меҳнат ҳақи миқдорини янада ошириш, илмий ва илмий-техник фаолият натижалари жорий этилишини давлат томонидан қўллаб қувватлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори. www.uza.uz. 20.07.2018.
42. “Диний-маърифий соҳа фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2018 йил 16 апрель.
43. Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳузурида Илғор технологиялар Марказини ташкил қилиш тўғрисида. ПҚ-3674. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Тошкент ш., 2018 йил 19 апрель.
44. “Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2018 йил 27 июнь.
45. “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2018 йил 21 сентябрь.

46. “Иқтидорли ёшларни аниқлаш ва юқори малакали кадрлар тайёрлашнинг узлуксиз тизимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 3 май.
47. Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”. ПҚ-4210. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев. Тошкент ш., 2019 йил 25 февраль.
48. Ўзбекистон Республикасининг Очiq маълумотлар порталини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар комплекси. ПҚ-4273. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев Тошкент ш., 2019 йил 9 апрель.
49. “Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 29 апрель.
50. “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 8 май.
51. “Ёшларни илм-фан соҳасига жалб этиш ва уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 30 август.
52. “Ўзбекистон Республикасида космик фаолиятни ривожлантириш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 30 август.
53. “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 27 август.
54. “Олий ва ўрта махсус таълим тизимида бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 11 июль.
55. “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 11 июль.
56. “Ўзбекистон Республикаси Президенти хузуридаги давлат бошқаруви академиясида бошқарув кадрларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 2019 йил 27 июнь.

57. “Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис Сенатининг йигирманчи ялпи мажлисидаги нутқи”.- 2019 йил 26 июнь.
58. “2019-2023 йилларда Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетиде талаб юқори бўлган малакали кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ва илмий салоҳиятни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори, 2019 йил 18 июнь.
59. “Ўзбекистон Республикасида коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармони, 2019 йил 28 май.
60. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997. -416 б.
61. Саидов А.Х. Иммануил Кантнинг фалсафий-ҳуқуқий мероси ва замонавий юриспруденция / А.Х.Саидов; таржимон М.Акбаров; Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фридрих Эберт номидаги жамғарманинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси. – тўлдирилган ва қайта ишланган 3-чи нашри. –Т.: Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази. 2012. – 320 бет.
62. Назаров Қ. Аксиология - қадриятлар фалсафаси. –Т.: УФМЖ, 2004.
63. Нурматова М. Шахс камолотида ахлоқий ва эстетик қадриятлар уйғунлиги. Т.: Университет, 2009.
64. Примова Ф.А. Ёшлар ва миллий истиқлол ғояси: муаммолар, ечимлар. –Т.: Ўзбекистон, 2010. - 232 б.
65. Хусанов Б., Гуламов В. Муомала маданияти. Дарслик. –Т.: Иктисод- молия, 2009.
66. Цицерон. Нотиклик санъати ҳақида икки рисола. –Т.: Янги аср авлоди, 2007. - 444 б.

Интернет сайтлари

1. Prezident.uz – Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти
2. Президент матбуот хизмати
3. www.press-service.uz.
4. www.Lex.uz Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
5. www.ziyounet.uz
6. www.mgm.uz. - Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти
7. www.uza.uz - Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги (ЎЗА)
www.nimfogo.uz Фуқаролик жамиятини шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти
8. www.gov.uz.
9. www.natlib.uz - Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси

10. www.nber.com – АҚШ иқтисодий тадқиқотлар миллий бюроси сайти.
11. [www. webofscience.com](http://www.webofscience.com) – Халқаро илмий мақолалар платформаси
12. www.scopus.com – Халқаро илмий мақолалар платформаси
13. www.elibrary.ru – Россия илмий мақолалари индекси